

«Бирор киши сизлардан афзал бўлолмайди»

08:05 / 02.02.2019 3244

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига камбағал муҳожирлар келиб: «Бадавлат кишилар олий даражаларга кўтарилиб, неъматда биздан ўзиб кетишди. Улар биз намоз ўқигандек намоз ўқийдилар, биз рўза тутгандек рўза тутадилар, шуларнинг устига, молларини сарфлаб, ҳаж, умра, жиҳод қилиб ҳамда садақа улашадилар», деб айтишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизларга бир нарса ўргатайми? У билан сизлардан ўзиб кетганларга етиб оласиз ва кейингилардан ўзиб кетасизлар, бирор киши сизлардан афзал бўлолмайди. Фақат сизлар қилган амални қилса, афзал бўлади»**, дедилар. Саҳобалар: «Ўргатинг, эй Расулуллоҳ», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳар бир намознинг ортидан ўттиз уч мартадан «Субҳаналлоҳ, Алҳамдулиллаҳ, Аллоҳу акбар», деб айтишлар»**, деб буюрдилар.

Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан